
ЎЙИЛМА МФЙДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Риштон тумани Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарияти томонидан, Маҳалла фуқаролар йиғинида сектор кесимида, ҳудудидаги МФЙ раислари иштирокида семинар ўтказиб келинмоқда. Семинар доирасида, қабул қилинган Қонун ва қарорлар ижроси, маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ва олиб борилган ободонлаштириш ишларини ўрганиш мақсадида, мавжуд кўчаларга МФЙ раислари юборилган бўлса, бўлим мутахассислари томонидан, МФЙдаги ҳужжатларнинг юритилиши ва улардаги йўл қўйилган камчилик ҳамда мавжуд муаммолар ўрганилмоқда. Амалий тарзда ўтказилаётган семинарнинг навбатдагиси бугун Ўйилма МФЙда бўлиб ўтди. Ўтказилган ушбу семинарларда, бўлим бошлиғи М. Бекмирзаева, унинг Нуронийлар бўйича ўринбосари Т. Абдурахмонов ва бўлим мутахассис ходимлари томонидан, иштирокчиларга ўрганувда аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан, ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида кўрсатма ва таклифлар берилди. Семинарлар давом этмоқда.

2022-03-12 16:57:47